

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2019 йил
2 ноябрь

ШАНБА

№ 88 (13245)

@haqiqatonline

Кўргазма

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

"Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида "Innoweek-2019" халқаро инновацион кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.



"John Deere" компанияси ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги техникалари ҳар доимгидек харидорлар эътиборини ўзига қаратди. Виллоятимизда фаолият юритувчи "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятида тайёрланаётган ўғитларга кўпчилик, ҳатто хорижликлар ҳам қизиқиш қилишди.

Кўргазма доирасида ўтказилган робототехника бўйича ёшлар чемпионати намойишга келган кўплаб йигит-қизлар эътиборини тортди. Бундай кўргазма-ярмаркалар юртимизда замонавий "ақлли" технологиялар порлоқ истиқболга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳамидулла ЎБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

Нуфузли анжуманда мамлакатимизнинг энг йирик акциядорлик жамиятлари, турли агентликлар ўз маҳсулотларини тақдим этдилар. Шунингдек, республикамизнинг турли минтақалари ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган тadbirkорлар, олимлар, корхона ва ташиқлотлар вакиллари ўзларининг замонавий технологияларини

кенг омма диққатига ҳавола қилдилар.

Масалан, мамлакатимизда фаолият юритаётган "Рақамли кадастр" МЧЖнинг қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, шунингдек, масофадан бошқариладиган дрон аппаратлари, Исроил давлатининг "Watergen" компаниясининг сувни ҳаводан тозалаш олиш каби инновацион

технологиялари кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. АҚШнинг



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Туристлар учун ташриф қоғози

Паркентнинг туризм салоҳияти вилоятимизда алоҳида ўринга эга. Ўзининг пурвиқор тоғлари, ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муқаддас қадамжоларию шифобахш блоклар, мўътадил иклими билан машҳур туман ҳар қандай нозик дидли сайёҳни мафтун этишга қодир.

ПАРКЕНТ:

САЙЁҲЛАР ҚАЛБИДАГИ ДОСТОН

Вилоят туризми ривожлантириш департаменти Паркент тумани ҳудудий бўлимидан берилган маълумотларга кўра, туманга кунига 2 мингга яқин сайёҳ келади. Бу кўрсаткич асосан, Қумушқон, Сўқок, Заркент, Хисорак каби сўлим қишлоқларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Паркентнинг гўзал табиати ҳақида дўстимдан эшитгандим, дейди россиялик сайёҳ Андрей Михайлов. Яна бу ерда "Физика-Куёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти борлигидан хабар топдим. Шу сабаб қизиқишим икки қарра ортиб кетди. Паркентликларга ҳавасим келди. Бундай мажмуа яна Францияда бор. Ёр юзида иккита ҳисобланган шундай ноёб масканнинг бири айнан Паркентда эканлиги бежиз эмас. Бу даргоҳда олган таассуротларимни, албатта, дўстларимга ҳам айтиб бераман.

Давоми 4-бетда

Хушхабар

ЯНА ТҶҲҲТ ТУМАН МАРРАДА



Дарҳақиқат, ўзига хос иқлим шароитидан келиб чиқиб, пахта йиғим-терими мавсуми бошқа ҳудудларга нисбатан бир оз кеч бошланган вилоят пахта далаларида йиғим мавсуми ҳал қилувчи паллага кирди.

Жумладан, жорий мавсум 8 минг 100 гектардан ортиқ майдонга чигит қадаб, мўл ҳосил етиштирган пискентлик пахтакорлар айни пайт-

га қадар қабул пунктларига гектаридан қарийб 29 центнердан пахта топширишди. Туман пахтакорлари 23 минг 400 тонналик режани – 24 минг тоннадан оширишга муваффақ бўлдилар. Бу миқдор янада ошмоқда. Зеро, туман пахтазорларида ҳали ҳосил мўл. Буни пахта дала-ларидан кунига 330 тонна пахта териб олинаётгани ми-солида ҳам кўриш мумкин.

Виллоятимизнинг Ўртачирчиқ, Пискент, Юқоричирчиқ ва Оққўрғон туманлари бир кунда давлатга пахта сотиш шартномавий режасини ортиги билан бажаришди.

Аввалроқ, Қуйичирчиқ ва Чиноз туманлари давлатга пахта сотиш шартномавий режасини ортиги билан бажарганлари ҳақида маълум қилган эдик.

Шунингдек, 26 минг 100 тонна пахта топшириш мажбуриятини олган Ўртачирчиқ тумани пахтакорлари ҳам режани ортиги билан бажариб, марра чизигига етиб келишди.

Мавсум бошидан пешқадамлар сафида келаётган туман пахтакорлари 27 минг 700 тонналик хирмон кўтар-ришди. Айни пайтда туман-да ўртача ҳосилдорлик 31,2 центнерга тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич ҳали ўзгариши аниқ. Шунингдек, вилоят хирмонига оққўр-

ғонлик пахтакорлар 34 минг, юқоричирчиқлик дех-қонлар 11,5 минг тоннадан ошириб қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берди-лар ва контрактация режа-ларини шараф билан адо этдилар.

Маълумотларга кўра, вилоят пахтакорлари томони-дан бир кунда қабул пункт-ларига қарийб 2 минг 300 тонна пахта топширилаёт-тир. Пахтакорларимиз 219 минг 600 тонналик маррага жуда яқин турибдилар.

К. САЛОМОВА

Шанба мўтолааси

Вергилийнинг сўнгги соатлари

Бари беҳосдан бошланади: деразанг ортидаги кўча шовқини, уни тўлдириб ўтаётган машиналарнинг бетиним сигналлари, ўчиришни унутганинг – Ютубдан эшитилган қайсидир жумла, сукунат мароми, йўлақдан югуриб ўтган болаканинг кулранг шарфи, қутчаларда тушлигини олиб кетаётган турли-туман идора одамлари... Буларнинг барини сен номи ва сабабини билмаган аллақандай тизим ҳаракатга келтираётганини сезиб қоласан.

Айни шу лаҳзада бир оз аввал гафлат ва мавҳумот ичра пинҳон шууринг англамнинг шаффоф пардасини йиртиб ёру-ликка чиқади. Туясанки, ушбу инкишоф сенга бемисл ҳаловат бахш этаёттир, аммо... яна англаб етасанки, бу ҳаловат тирик-лик изтиробларининг бошқача номи, холос.

Октябрь. Ўзимга ўзим таътил эълон қилган кунларнинг бирида, соат тун-ги бирлар атрофи ташқарида турган қучли шамол ва болалик хотирала-римдек тиник ёмғирлар каминани мўтолаа режасини бузишга мажбур қилди. Юрак зарбларимга мутаносиб аккорд бера бошлаган қадам товуш-ларим икки ой бурун қозога чиқа-риб қўйганим бир китобга томон

ҳаракатланётганимни эслабди турар-ди. Китоблар қалашиб ётган жавонга яқинлашаман. Турибди, муқоваси сар-гайган, бошқа китоблар орасида унча кўзга ташланмайди. Асли бу нимарса ҳам мен ҳамон ёзги хотиралардан қутула олмаётган октябрнинг бина-шаранг кечасида, ўша тежалган қоз-ларга чиқарилган китобни ўқиганим-дан сўнг ёзилди...



Жаҳон модернистик адабиёти-нинг дурдоналаридан саналувчи олмон адиби Херман Брох қалами-га мансуб "Вергилийнинг ўлими" романини турк тилига афсонавий таржимон Аҳмед Жамол таржима қилган. Романининг кириш сўзида таржимон бир нарсани очиклайди. Очиклайдики, у мазкур асар таржи-маси устида қирқ йил тер тўкибди...

Мирзохид МУЗАФФАР 1999 йилда Чиноз туманида туғилган. Истеъ-додли ёш ижодкорнинг шеър ва эсселари, турк, озар ва инглиз тилла-ридан қилган бадий таржималари вақтли матбуотда мунтазам чоп этиб келинмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 1-босқич талабаси.

Аҳмед Жамол қашшоқ оилада туғилиб вояга етган. Ёшлигининг қай бир ёруғ кунларида олмонча-ни ўрганиб олгач, кичик ширкат-ларнинг ҳужжатларини таржима қилиб юрар ва шу орқали тирик-чилик ўтказаркан. Бир кун ҳамма-сидан чарчаганини тушуниб етади ва ўша ондаёқ ўз-ўзига сўз бера-ди: одамнинг бир тийинлик қадри бўлмаган ва қуллик асосига қурил-ган ушбу жамиятдан бош олиб кетаман ва ўзим учун янги бир дунё яратаман. Бу дунёнинг номи ба-

дий таржима бўлсин! Ва ўша кун-дан турк ўқувчисини олмон адаби-ётининг инжа оламига олиб кира бошлайди. Кимларни таржима қи-лади, дейсиз... Шундай бўлса-да кўнгли ҳеч тўлмасди. Умрининг сўнгига келиб "Вергилийнинг ўлими" таржимасини тугатади ва ўша заҳоти ўз ноширига телефон орқали хитоб қилади: "Ана энди мени таржимон, деб тан олишин-гиз мумкин!"

Давоми 3-бетда

XALQARO MATBUOT MARKAZI
TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI

«БИЗ САЙЛОВГА ТАЙЁРМИЗ!»

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 22 декабрь санасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш-ларга сайловлар бўлиб ўтади. Мазкур муҳим сиёсий жа-раёнда аҳоли, айниқса, ёшларнинг иштирокини кенгайти-риш, уларда дахлдорлик ҳиссини ва сайлов маданиятини кучайтириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан мамла-кат бўйлаб талабалар ўртасида "Мен сайловга тайёрман!" республика кўрик-танлови ўтказилмоқда.



Нурафшон шахридаги "Ёшлар маркази"да мазкур танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон давлат жисмо-ний тарбия ва спорт универ-ситети ҳамда Чирчиқ давлат педагогика институти жа-моалари 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Хусусан, иштирокчилар "Блиц савол-жавоб" ва "Ўзбекистон ке-лажаги тасаввуримда" шарт-ларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб бо-рилаётган ислохотлар, Сай-лов кодексининг аҳамияти, сайлов жараёнларидаги ўзгаришлар, одил сайлов тизими ва механизмни амалга ошириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар баён этил-ган 3 дақиқалик видеоролик намойиш этишди.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўринни Тошкент давлат

аграр университетининг "Зиёкор", 2-ўринни Чирчиқ давлат педагогика институ-тининг "Ёш сайловчи" ва 3-ўринни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг "Ёш се-натор" жамоаси эгаллади.

Бундай танловлар биз-нинг ҳуқуқий ва сиёсий би-лимларимизни янада кучай-тиради, дейди Лазизжон Ўткиров. Мусобақага тай-ёргарлик жараёнида сайлов қонунчилигидаги янгилик-лар ва Сайлов кодекси ҳақида кўплаб маълумотлар-ни ўқиб-ўргандик. Устозла-римиз берган сабоқлар ёрдамида голиб бўлдик. Танловнинг кейинги босқи-чида ҳам муносиб қатна-шишга ҳаракат қиламиз.

Тадбир сўнгига голиб ва совриндорлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши томонидан эсда-лик совғалари билан тақ-дирланди.

ОАВ: ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИКНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Сўз ва ахборот эркинлиги, ўз фикрини эркин билдириш, ахбо-рот олиш ҳуқуқи энг асосий ва халқаро тан олинган инсон ҳу-қуқлари ҳамда демократик жа-миятнинг асосий элементлари-дан бири ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқни таъминлаш эса, энг аввало, мус-тақил ва эркин оммавий ахборот воситаларини тақозо қилади.



2

Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, охириги уч йилни оладиган бўлсак, мамлакатимизда очкилик ва ошқоралик, сўз ва матбуот, фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланганини барчамиз ўз кундалик турмушимизда яққол сезмоқдамиз. Кейинги пайтда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида кескин жонланиш бўлди, уларда соғлом танқидий руҳ кучайиб, юртдошларимиз ўз фикрларини очик-ошқора, дадил айтиётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

Айниқса, жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда, сайловларнинг очкилиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнида ахборот бериш, хабардор қилиш (сайлов кампанияси ҳам ОАВ орқали эълон қилиниши сайловни ўтказишнинг муҳим шартидир); жамоатчилик назорати сифатида кузатиш, сайловолди ташвиқот ва сайловга оид ҳуқуқий тарғибот воситаси бўлиб хизмат қилади.

Сайлов кампаниясидаги барча муҳим воқеа ва янгилликларни фуқаролар оммавий ахборот воситалари орқали биладилар. Агар 2016 йилги сайловлардан мисол келтирадиган бўлсак, сайловни 615 та миллий ва 272 та хорижий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, 315 та хорижий ва миллий Интернет нашрлари ёритиб борган. Мамлакатимиз ва чет элнинг 1 минг 400 нафардан ортиқ журналистлари иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 180 та матбуот анжумани ва онлайн бри-

финглар ўтказилган. 22 минг 700 дан зиёд мақола ва ахборот материаллари эълон қилинган, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар эфирга узатилган.

Сайлов кодексининг 36-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги уларнинг ваколатлари муддати тугашидан камиди уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. 57-моддага асосан муддати-дан олдин овоз беришни ўтказиш

га тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини, сайлов комиссияларининг ишини, уларнинг қарорларини, сайлов оқруғлари, участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўладилар, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таъиниш имкониятига эга бўладилар, номзодлар тўғрисидаги, шунингдек, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари

ят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Бошқа давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссияси аккредитациядан ўтказилади. Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги қарори билан Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов кампанияси бошланганлиги расман эълон

ди? Бунда оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясидаги энг муҳим роли сайловолди ташвиқот босқичида намоён бўлади. Сайловолди ташвиқоти – бу сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб, бир ойдан ортиқ вақт давом этади, яъни сайловга 35 кун қолганда бошланади ва бир кун қолганда тўхатилади. Сайлов кодексининг 45, 46-моддаларига асосан ташвиқот матбуот конференциялари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар шаклида ҳам олиб борилиши мумкин. Ташвиқот оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, Интернет орқали ҳам амалга оширилади. Бунда адолатли таъминлашнинг энг муҳим шартлари барча партиялар, номзодлар учун тенгликни кафолатлаш ҳисобланади.

Сайловга оид ҳуқуқий тарғибот воситаси сифатида оммавий ахборот воситалари аҳолининг сайлов қонунчилигига оид билимини оширишга қаратилган мақола-лар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил қиладилар.

Оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, ҳамма фойдалана оладиган телекоммуникация тармоқларида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларни ёритиш жараёнининг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан амалга оширилади.

Юқоридагилар шуни кўрсатмоқдаки, сайлов жараёнининг барча босқичлари очик ва ошқора, оммавий ахборот воситалари иштирокида, барча партиялар ва номзодлар учун тенг ва адолатли ўтказилиши учун зарур қонунчилик базаси яратилган.

Мирваз Миракулов,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти
бошлигининг биринчи
ўринбосари,
юридик фанлар
доктори

□ Яхши хабар

9 ОЙДА 1 МИЛИАРД 400 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Олмалик кон-металлургия комбинати мис-молибден, полиметалл, олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича жаҳондаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади.

Яқинда 70 йиллигини кенг нишонланган мазкур йирик корхона ва унинг Тошкент, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги таркибий бўлимларида айни пайтда 35 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётир.



Комбинатда ишлаб чиқариш жараёни техника ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ишлаб чиқариш жараёнига илгор замонавий технологияларни, етук мутахассисларни жалб этиш, бу борада йирик инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш, хорижий етук санат компаниялари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида тизимли ишлаш амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 11 августда Тошкент вилояти, хусусан, Олмалик кон-металлургия комбинатига ташифи доирасида белгиланган вазифалар комбинатнинг янги ривожланиш йўлини бошлаб берди.

Комбинатнинг "Асосий ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва стабиллаштириш" дастури доирасида 2019-2022 йилларда мис бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводи қувватларини модернизация қилиш ва янгилаш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида 357,5 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилади. Айни пайтда мазкур корхоналарда таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда.

Қарийб 1 минг 200 киши меҳнат қилаётган рух заводи ҳам комбинат ривожига муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, комбинат томонидан жорий йилнинг 9 ойида қиймати 1 миллиард 400 миллион доллардан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқори. Бу борада, айниқса, катодли мис, олтин ва кумуш қатори рух металл ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сезиларли даражада ортиди.

– 2018 йилдан комбинатимиз, шу жумладан, рух заводида янгиланиш даври бошланди, – дейди сульфат кислота цехи устаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санат ходими Татьяна Бурганова. – Корхонамизда олиб борилаётган кенг қамровли модернизация жараёни, аввало, ишчилар учун қулайлик яратди. Шунингдек, рух металл ишлаб чиқариш ҳажмининг оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда рух заводининг электролит ва куйдириш цехларида капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб боришмоқда. Корхона томонидан айни пайтда йилига 68 минг тонна рух металл ишлаб чиқарилаётган бўлса, комбинатни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2023 йилга келиб бу кўрсаткични 120 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА

ОАВ: ОЧКИЛИК ВА ОШҚОРАЛИКНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

вақти ҳам сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Сайлов кодексининг 54, 58-моддаларига асосан участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш бошланганлигини ҳам, туаганлигини ҳам оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигида эълон қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов якунларига кўра, Марказий сайлов комиссиясининг қарори ҳам унинг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади.

Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 11 сентябрдаги қарори билан Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот маркази ва унинг минтақавий бўлимлари ташкил этилди. Марказий сайлов комиссияси етакчи оммавий ахборот воситалари билан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича икки томонлама шартномалар имзолади.

Хўш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари таъминлашида оммавий ахборот воситаларининг роли қандай? Фуқаролар сайлов-

орқали билиб оладилар.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларини қай тарзда амалга ошириш, сайловда қатнашаётган турли сиёсий партиялар ва номзодларнинг асосий сайловолди сиёсий позициялари ва жамиятдаги турли масалаларга қарашларидан хабардор бўлиш ҳамда айни вақтда бунга ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўладилар.

Оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнидаги яна бир муҳим иштироки уларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Сайлов кодексининг 8, 35-моддаларига асосан оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов кўни овоз бериш биноларида, шу жумладан, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқи эга.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари ваколатлари Марказий сайлов комиссияси, вило-



қилинган кундан бошлаб, қоида тартиқасида, сайловга камиди ўн беш кун қолгунга қадар МСК, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига уларни аккредитациядан ўтказиш тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин.

Сайлов жараёнининг барча тадбирлари оммавий ахборот воситалари нигоҳида бўлиши сайловларимизни очик ва ошқора, эркин ва адолатли ўтказилишига, жамоатчилик назорати таъминлашига хизмат қилади.

Яна бир масала. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситалари билан сайлов жараёнидаги муносабатлари нималарда кўрина-

□ Ҳамкорлик

ИННОВАЦИЯЛАР – ТАЪЛИМ СОҲАСИГА

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олийгоҳида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда Мактабгача таълим вазирлиги ходимлари, давлат ва нодавлат болалар боғчалари раҳбарлари ҳамда педагоглари иштирок этишди.

таъкидладилар. Болаларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиб бориш, тўғри йўлга йўналтириш, чет тилларини ўргатиш, ўғил ва қиз болаларда ижодий фикр юритиш қобилитини янада ривожлантириш усуллари шулар жумласидандир.

– Халқаро анжуман давомида қизиқарли мавзуларга оид маълумотлар ҳамда қатнашдим, – дейди

Ангрен шаҳридаги 25-сонли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси дефектолог Зебо Кодирова. – Россиялик олимларнинг маърузалари, таълим соҳасида фойдаланиладиган маҳсулотлар кўргазмаси, турли инновацион тажрибалар мен ва ҳамкасбларимда катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатимизда бундай илмий тадбирларнинг



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

ўтказилиши, албатта, ўзининг оқибат натижасини беради.

Анжуман давомида иш-

тирокчиларга сертификатлар ва махсус адабиётлар тақдим этилди.

Ўбайдулла ҲАМИДУЛЛАЕВ

□ Талаба кундалигидан

Маълумки, шаффоф ҳамда ҳаққоний ўтказиладиган сайловлар демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда зарурий жараён.

БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМИЗ

Бу йилги сайловлар аввалги сайлов жараёнидан тубдан фарқ қилиши кутилмоқда. Энг катта янгиллик – бу бўлажак сайловлар янги қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтишидир. Унга кўра, эндиликда мамлакатимизда фаолият юритаётган 5 та сиёсий партия Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда 135 та эмас, тўлиқ 150 сайлов округидан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Бўлажак сайловда овоз бериши кутилаётган 20 млн.дан зиёд аҳолининг 2 миллиони, яъни 18 дан ошган ёшлар илк маротаба овоз беришади.

– Бу, биз ёшлар учун катта бахт, – дейди талаба Мафтуна Абдукаримова. – Агарда биз ўз овозимизни муносиб номзодга берсак, Ватанимиз келажаги ва халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшган бўламиз.

Мафтунахон СУННАТЛЛАЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси



Айтиш жоизки, бундай тадбирлар Россия Федерацияси ва МДҲ давлатларида мунтазам равишда ўтказиб борилади. Бизнинг мамлакатимиз бундай нуфузли халқаро анжуман иштирокчиларини илк бор қабул қилди.

Мутахассислар бугунги кунда соҳага изчиллик билан татбиқ этилаётган инновацион лойиҳаларни кенг муҳокама қилдилар. Замонавий технологиялар, илгор услублар мактабгача таълим тизимида юқори самара бераётганини

□ Кичик бизнес

Бу саволга Ўртачирчиқ туманида фаолият юритаётган "Alinur Fashion" масъулияти чекланган жамиятида жавоб топишнинг мумкин. Чунки, бу ерда катталар ва болалар учун мўлжалланган 50 турдан ортиқ пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.



Мазкур корхона фаолияти ва унинг раҳбари ҳақида сўз бошлашдан олдин бир маълумотни келтириб ўтмоқчимиз. Охириги икки ярим йилда Президентимизнинг мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ушбу соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга

қаратилган эллиқдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Энг асосийси, ушбу ҳужжатлар билан берилган кенг қўламли имтиёз ва имкониятлар ўз бизнеси ва тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ҳар бир фуқарога бирдек тегишли.

Ана шундай эътибор самараси-

да ёш тадбиркор Алишер Ҳайдаров бундан икки йил муқаддам "Бектемир" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бўш ётган бинони ноль қийматида сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Лойиҳа асосида киритилган тўрт миллиард сўм миқдоридagi инвестиция ҳисобидан бино тўлиқ таъ-

мирланди ва пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага айлантирилди. Корхонага хитойлик ҳамкорлардан кенг турдаги эркаклар пойабзалини ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва ўзида тайёр ҳолга келтириш жараёнини қамраб олган энг сўнгги русумдаги замонавий автоматлаштирилган линия олиб келиб ўрнатилди.

Бугун республикаимизда ишлайман, тадбиркорлик қиламан, бизнес юритаман деган кишига барча шароит бор, – дейди Алишер Ҳайдаров. – Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ. Яна бир гап, рақобат кучайиб бораётган шароитда бозорга кириш, ривожланишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун режани пухта тузиб, аниқ ҳаракат қилиш керак. Биз, аввало, хорижлик шериклар билан замонавий талаблар асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга жавоб берадиган технологияни олиб кириш юзасидан музокара олиб бордик. Кейин ҳам ички, ҳам ташқи бозордаги истеъмолчилар талабини ўргандик. Шу тариқа икки йилда маҳсулотимиз тури эллиқдан ошди. Жорий йилнинг ўтган даврида корхонамиз томонидан бир миллиард сўмликдан ортиқ маҳсу-

лот бозорга чиқарилди, 40 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, корхона жамоаси томонидан бири-бирдан бежирим ва ўзига хос дизайни асосида ишлаб чиқарилаётган туфли, ботинка, макасин, кроссовка ва мавсумий пойабзаллар сифати ва қулайлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Ишбилармоннинг ибораси билан айтганда, тадбиркор изланишдан тўхтамаслиги керак. Корхона жамоаси келгусида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни ният қилган. Айни пайтда тажрибали мутахассис Рустам Исмолов бошчилигидаги дизайнерлар бу борада изланишмоқда. Уларнинг тақлифи билан яқин кунларда табиий ва сунъий чармдан янги турдаги, талаб ортиб бораётган оёқ кийимлар туркумини яратиш режалаштирилган. Уларнинг орасида энгил, табиий матоддан тайёрланадиган мавсумбоп пойабзаллар ҳам бор. Мутахассисларнинг таъкидлашича, улар ўзидан хаво ўтказиб, мўътадилликни таъминлайди.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Аббос ЭСОНОВ
олган суратлар

Умрининг қирқ йилини бир асар таржимасига бағишлагани ва фақат ўша таржимани битирибгина ўзига таржимон макomini раво кўрган Аҳмед Жамолга бунча сабр қаердан келди? Эҳтимол, ушбу матонатнинг дояси қийинчиликлардир? Эҳтимол, у бу асарни умрининг мазмунига айлантириб олгандиру, таржимани атай пайсалга солиб келгандир? Менимча йўқ, чунки у "Вергилийнинг ўлими"нинг турк тилида ўн саккизта вариантыни яратган ва сўнггисинигина нашрга муносиб деб топган.

Унинг таржимайи ҳолини ўрганарканман, кундалигимга бир-икки фикр қоралаб қўйган эканман: "Мен бу ҳаётдан нима олмоқчиман? Умуман, бизларни айнан нима хушбахт қила олиши мўҳим эмас, негаки, унга эришгач фақат онгимиз остидаги эҳтиёж катакларини тўлдирган бўламиз, холос. Мен... Мен шунчаки ўз ишларим билан фахрланиш ва яна бундан-да кўпрогини ишташим мумкин, бироқ менга ўлимолди бажаролмаган амалларим учун йиғлаш эмас, фақат бажара билганларимни эслаб, бир жилмайиб қўйишнинг ўзи етарли. Қисқаси, мен сўнгги кунимни яшарканман, кўнглимда орзулар эмас, фақат хотиралар бўлишини истайман..."

Бу ҳудди инглиз фотографи Томас Харндолнинг ўлимолди иккорога ўхшайди. Гап шундаки, у фотогаф сифатида Фаластинга боради. Томас сайр қилиб юрган кўчада бирдан отишмалар бошланиб кетади ва пана жойга қочаркан, йиғлаб турган болакайга кўзи тушиб, уни ҳам ўзи билан Лазаретга олиб кетади. Кейинчалик маълум бўлишича, болакайнинг синглиси ҳам бор экан. Қизалоқни қутқариш истагида отишма бўлаётган кўчага борган Томаснинг бошига дайди ўқлардан бири тегади. У ўн бир ой комада ётгангина ўзига келади ва сўнгги сўзларини айтиб, жон таслим қилади: "Асосийси болакай омон қолди-ку!"

"Титаник" фильмининг якуний сахналаридан бирида, ҳатто Посейдон ҳам чўктира олмайди, дея юксак баҳо берилган кеманинг фарқ

◀◀ Бошланиши 1-бетда

бўлиш вақти, эсласангиз, ҳамма жон қасдида наҳот истаб тўрт тарафга қочаркан, кемадаги оқсуялардан бири қатъият билан туриб, сўнгги сўзини айтади: "Бир бошга бир ўлим! Мен чинакам лордлардек ўлим топтоғим даркор. Қочиш мен учун эмас!"

Гарчи бу фильмни ўинчи, ё ўн мингинчи маротаба томоша қилаётган бўлсамда, унинг айнан шу сахнасига келганда ботинимда бир хил саволлар ғужғон ўйнай бошлайдики, буларга ҳамон жавоб топа билмадим. Мазмунини батамом англаб етмаганимиз бу умрни, биз

рофида айланадими, ё куёш ер атрофида – бунинг нима фарқи бор? Қисқаси, бу эътиборга арзигулик муаммо эмас. Мен шу билан бирга ҳудди шу каби майда ва бефойда назариялар устида қайсарлик қилиб, ўзини жувонмарг қилаётган буюкларни ҳам кўрялман. Аслида, энг мўҳим ва даҳшатли масала бу... ҳаётнинг маъноси борми ёки йўқ?

Курсаванинг "Тириклик" фильмини кўргандирсиз. Ўша фильм қахрамони Ватанабе буйрағида йилган тошлар бутун вужудига захм

савол. Иккинчиси эса, мутлақ дунёвий. Ўз ўрнида дунёвий саволлар ҳаётимиздаги аниқ мақсадларни очиклашда катта роль ўйнайди. Билмадим, эҳтимол Ватанабенинг шуруида учинчи тур савол кўз очгандир?

Людвиг Ватгенштейн ўзининг "Трактат" асарида ёзадики, ҳар бир предметнинг маъноси ўша предметнинг ташқарисидадир.

Бу фикрни маъно жиҳатидан портретдаги одам аслида портретда эмас, деб ҳам изоҳлаш мумкин. Агар бир тасвиригина таҳлил қилсак, демак, маъно ҳеч қачон бизга

си тараққий топган ва бир қанча инқилобларни бошидан ўтказган homo deus сифатида зуҳурот қаърига сингиб кетган ўзлигини излашга мажбур. У энди нон ва оловга қул homo sapiens эмас, балки космик мавжудотдир. Зеро, ўзимизни ўзимиз безовта қилиш мақсадида саволлар тўқиб чиқариш учун етарли вақтимиз бор. Энди биз... тараққийлашган бекорчилармиз.



Иккинчи жаҳон урушида концлагерлардаги Холокостдан омон чиққан камсонли яҳудийлар ичида Виктор Франкл ҳам бор эди. Франкл урушдан сўнг "Логотерапия" номи методни кашф қилади. Юнон тилида "маъно" бўлган "логос" сўзидан яратилган, тахминан "маъно теорияси" дея таржима қилинадиган метод кейинчалик "Учинчи Вена мактаби" китоби орқали оммалашиб кетди. Франкл "Инсоннинг маъно ахтариш йўли" асарида шундай ёзади: "Тажрибаларимдан бири ёдимга тушди. Оғриқ ва уйқусизликдан кўзлари ёшланган, бемалол сафдошларим билан бир неча километр узоқликдаги шахтага судралиб борардик. Изгириин иликларимизгача қақшатардик. Қил устидаги ҳаётимизнинг майда ташвишларини ўйлаб бошладим. Бугун кечликка нима беришаркин? Икки ҳафта аввал мукофот ўрнида берилган сигаретимни бир коса шўрвага алмаштиришим керакмиди ёки

йўқ?

Ҳар кун, ҳар соат мени шу арзимас муаммоларни ҳал қилишга мажбурлаган яшаш тарзимиздан жирканиб кетардим. Фикрларимни бутунлай бошқа нуқтага йўналтирмоқчи бўлдим. Бирданига ўзимни ёруғ ва иссиқ синф хонасида кўрдим. Рўпарамда юзларча талаба каминани тинглаяпти. Мен уларга асир тушганлар психологисини бўйича маъруза ўқирдим. Шу йўл билан жонимни кемириб бораётган оғриқларнинг ва атрофимдаги муҳиш манзаранинг ўтмишда қолганига ишона бошладим. Шундай қилиб, менинг психология соҳасидаги асосий мавзум аниқ бўлди..."

Бу парчадан тушунганим – муҳитдан ташқарида фикрлаш сизни муҳитдан қутқармаслиги мумкин, аммо қандайдир янгиликлар топишга ундаши аниқ, Сизга бу юқорида тилга олганимиз Витгенштейннинг фикрини эслатаётганим?

Ҳаётнинг маъноси нима? Оилага, ўзинг яшаб турган давлатга сандоқми? Келажақ авлод учун қайғуриш, саховатпешалик, иход завқи, ё фақат ўзинг учун ҳаракат қилишми? Балки у бошқаларнинг бахти учун ўз борлигиндан кечиш, орзуларингни рўёбга чиқариш йўлида бутун куч-гайратингни ишга солиши? У дунё учун бу дунёнинг нималаридандир воз кечиш? Балки... инкордир?

Буларнинг ҳаммасими, ё ҳеч бири?

Херман Брохнинг "Вергилийнинг ўлими" романидаги кекса римлик шоир Вергилий умрининг сўнгги ўн саккиз соатини шу саволларга жавоб излаш билан ўтказди ва бу унга чексиз изтироб беради. Таъсаввур қилинг, роман фақат мана шу ўн саккиз соат ичидаги руҳий кечинмалардан ҳикоя қилади. Бутун умри бўйи гўзаллиқни мадҳ этган, ҳақиқатни қуйлаб ўтган, ҳақсизликка қарши курашган улуг сўз санъаткори ўзини аллақачонларга олиб кетаётган кема палубасида, қаршисидаги қояларга тўш урган долғаларга боққанча ўзининг сўнгги саволи билан дунёга муружаат қилади: "Менинг ёзганларим кимгадир фойда бердими ахир?..."

Мирзохид МУЗАФФАР

Тошкент вилоятида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 17 минг 200 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, 150 га яқин қўшма ва хорижий корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ҳар бир тадбиркорнинг фаолият бошлаши учун қўядиган илк қадами тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишдир. Бу жараёнда тадбиркор биринчи бўлиб давлат хизматлари марказига мурожаат қилади.

17 минг 200 дан зиёд тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди

Мустақилликнинг илк йилларида корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун 7 та ҳужжат талаб этилиб, кўриб чиқиш муддати 10 кунгача чўзилар эди. Айни пайтга келиб давлат хизматлари марказида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилиб, рўйхатдан ўтказиш бор-йўғи 30 дақиқада амалга оширилмоқда. "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида мамлакатнинг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чоралар кўриш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 5 февралда Президентимизнинг "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида" ги Қарори эълон қилинди.

Тошкент вилоятида давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига қулай, шаффоф ва кенг турдаги давлат хизматларини кўрсатиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида туман ва шаҳар давлат хиз-

матлари марказлари томонидан аҳолига 768 мингга яқин хизматлар кўрсатилди.

2018 йилда давлат хизматлари марказлари томонидан 20 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 17 минг 223 тага етди. Шунингдек, 2018 йилда 109 та хорижий инвестиция иштирокидаги (қўшма ва хорижий) корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида рўйхатдан ўтган қўшма ва хорижий корхоналар сони 145 тага етди.

Олиб борилган бундай саёй-ҳаракатлар натижасида Жаҳон банкининг "Doing business" йиллик ҳисоботида Адлия вазирлиги ва Давлат хизматлари агентлиги масъул бўлган "Бизнесни рўйхатдан ўтказиш" кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати ичида 8-ўринни қайд этиб, Ўзбекистон тарихида биринчи бор Top-10 таликка кириптиди.

Мамлакатимизда бизнес юритишни осонлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун барча имкониятлар етарли. Давлат хизматлари маркази учун бу якуний кўрсаткич эмас. Тизим имконияти бундан-да юқори марраларга етади.

Абдулла ТУРСУНОВ,
Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Жараён

Тан олиб айтиш керакки, шу даврга қадар вилоятимиз туманларида ҳам ижтимоий соҳаларда, айниқса, коммунал ва ичимлик суви, канализация тармоқларида кўплаб муаммолар йиғилиб қолган эди. Айрим ҳудудларда канализация тизими у ёқда турсин, ҳатто ичимлик суви ҳам муаммолангича қолаётганди.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида ушбу масалаларга ҳам алоҳида аҳамият қаратиб, мавжуд вазиятни очик-ойдин танқид қилдилар ва мутасаддиларга қатъий топшириқлар берилди. Ушбу белгиланган вазифалар асосида айни кунларда вилоятимизнинг деярли барча туманларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хозирда қайси ҳудудга борманг, қишга тайёргарлик, ичимлик суви муаммоларини ҳал этиш жараёнини жадаллик билан олиб борилаётганига кўзингиз тушади.


– Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1-3 июнь кунлари давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи чоғида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳолати танқид қилиниб, зарур топшириқ ва кўрсатмалар берилган эди, – дейди вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Гаффор Нор-

матов. – Шунингдек, бу ишларни бажариш учун давлат бюджетидан вилоятимизга қўшимча бир триллион бир юз миллиард сўм ажратиб берилди. Уч юз миллиард сўмга 89 та объектнинг манзилли рўйхати Вазирлар Маҳ-

камасининг 2019 йил 3 июлдаги баёни асосида шакллантирилди. Жумладан, ичимлик суви тизимлари бўйича 227,4 миллиард сўмга 82 та объектнинг, оқова сув тизимлари бўйича 72,6 миллиард сўмга 7 та объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Энг аввало, дастурга ичимлик суви тизимлари бўйича 82 та объект қиритилган. 39 та лойиҳа бўйича янги ишоотлар қурилади. 44 та объектнинг тўлиқ реконструкция қилиниши кўзда тутилган.

Кейинги босқичда оқова сув тизимлари бўйича еттита объект белгиланган бўлиб, биттаси янгидан барпо этилса, олтитаси реконструкция қилиниши режалаштирилган. Ишлаб чиқилган лойиҳалар доирасида 468 км. масофага ичимлик суви тармоқлари ян-



гидан қурилади ва мавжудларни реконструкция қилинади. Бундан ташқари, 68 та сув иншоотида ҳам қурилиш олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, дастур тасдиқлангани ҳаманоқ жойларда тезда ишга киришилди. Хозирда барча объектларда иш жараёнлари қизгин паллада, аксарият ҳудудларда эса ишлар якунланди.

Оҳангаронлик мутасаддилар ҳам аллақачон қиш мавсумига тайёргарликни бошлаб ўқоришган.

– Шаҳардаги 9 та умумтаъ-



лим мактабининг 8 тасида қиш мавсумига тайёргарлик якунланган, – дейди Оҳангарон шаҳар ҳокимининг саноатни ривожлантириш, қурилиш, коммуникация ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Санжарбек

Юсупов. – Барча мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари иситиш қозонхоналари билан таъминланган.

Бундан ташқари, шаҳар политехника коллежи ва И. Каримов номидаги Тошкент давлат политехника университети филиаллари маҳаллий иситиш қозонхоналарига уланган. Иссиқлик қувурлари қайта ётқизибли, изоляция билан қопланган.

Оҳангарон шаҳрида 194 та кўп қаватли уйлар мавжуд. Жорий йилда 15 та кўп қаватли уйнинг томи ёпилди.

164 хонадонга 2 контурли котёллар ўрнатилди. Қўшимча ажратилган 2,5 млрд. сўм маблағ ҳисобидан "Бирлик" ва "Нуғўқўрғон" маҳаллалари ҳудудларида 11,7 км.га сув қувурлари тортилди.

Паркент туманида қишга

тайёргарлик ишлари режага кўра вақтида бажарилмоқда. Хусусан, тумандаги 35 та кўп қаватли уй қиш мавсуми учун тайёр ҳолатга келтирилди. Эски жиҳозлар янгиларига алмаштирилди.

– Туманимиздаги уй-жойларни қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида манзилли дастур ишлаб чиққанмиз, – дейди Паркент тумани уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Камолиддин Жалолов. – Ушбу дастурда белгиланган вазифалар деярли бажарилди. Масалан, 35 та кўп қаватли уйда марказлашган иссиқлик манбаи мавжуд эмас эди. Айни пайтда мазкур уйларни қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида иттиёб кредит маблағлари ҳисобидан ҳар бирига 2-контурли иситиш мосламалари ўрнатиш ишлари олиб боришмоқда. Бундай замонавий иситтичлар режага кўра 132 та хонадонга ўрнатилиши керак. Шундан 65 тасига қўйиб улгурдик.

Ўз мухбиримиз

101 огоҳлантиради

ЁНФИНГА ЙЎЛ БЕРМАНГ!

Ёши улугларимиз: "Ўт балоси, сув балосидан асрасин", дея дуо қилишганини кўп бора эшитганмиз. Аммо, шу офатлар келиб чиқишига кўпинча ўзимизнинг бепарволигимиз сабаб бўлади.

Хозир юртимизда куз, ҳазонреғи вақти. Кўп огоҳлантиришларимизга қарамай, фуқаролар қуриган шох-шаба, йиғилган барглар ва ҳатто чиқиндиларни ёкиш пайига тушадилар. Мактаб, боғча ва жамоат жойларида бундай чиқиндиларнинг ёқилиши кишини ташвишга солади. Сабаби, улардан чиқаётган тўтун захарли моддаларга тўйинган бўлиб, ўпка орқали қонга сўрилади ва соғлигимизга жиддий зарар етказиши. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллалар ва корхоналарда фуқаролар



билан кўплаб учрашувлар ўтказилмоқда. Бундан асосий қонга сўрилади ва соғлигимизга жиддий зарар етказиши. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллалар ва корхоналарда фуқаролар

Соҳа ҳодимларининг тарғибот ва тушунтириш ишларини тўғри англаб, ёнгинг хавфсизлиги қоидаларига амал қилсак, "тилсиз ёв"ни жиловлаган, ҳаётимиз ва мол-мулкимизни асраган бўламиз.

Шундай экан, ўзимиз ва яқинларимиз, қолаверса, атроф-муҳитга зарар етказадиган бундай ишларга қўл урмайлик. Ёнгинг хавфсизлиги қоидаларига риоя этиб, лоқайдликка чек қўйлик. Шундагина ёнгинг сони камайдиган, ҳар бир кунимиз тинч ва осуда ўтади.

Тоҳир ДҮНДИЕВ,
Нозим ЮСУПОВ,
Музаффар МАХМАНАЗАРОВ,
«Қорасув қароргоҳи» ЁХБ инспекторлари

Рейд

Тошкент вилояти ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳодимлари томонидан вилоят ҳудудида йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида автомобиль йўлларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларга 365 мингдан ортиқ жарималар белгиланди.

ЖАРИМАЛАР УНДИРИЛМОҚДА

Хозирги кунга келиб, ушбу жарималарнинг 268 мингдан ортиғи ундирилди. Қайд этиш жоизки, уларнинг 32 мингдан зиёди муддати ўтганлигига қарамасдан тўланмай келинмоқда.

Тошкент вилоятининг ҳалқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларида Мажбурий ихро бюросининг ҳудудий бўлимлари ҳодимлари билан ҳамкорликда махсус рейд ташкил этилди ва 8 та "АУТО



CON" мосламаси ёрдамида қарздор ҳайдовчилар аниқланиб, шу жойининг ўзида ташкил этилган "Сайёр касса"ларда ундирилди. Шунингдек, жарималарни жойида тўлай олмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситалари "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида" ги кодекснинг 291-моддаси талаблари асосида вақтинчалик жарима майдонларига жойлаштирилмоқда.

Вилоят ИИББ ЙҲХБ
Матбуот хизмати

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.30. 1 2 3 4 5 6